

КТ 00030/12

-сонли шартнома

«Истемолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

«26» йул 2022 й.

Ушбу шартнома «Навоий сув таъминоти» МЧЖ, Кармана туман бўлими, кейнити ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи А.Худойкулов (Ф.И.О.)

шахсида, бир томондан ва кейнити ўринларда «Истемолчи» деб юритилувчи Кармана туман тиббиёт бирлашмаси низом асосида иш олиб борувчи директор Б.Я.Базаров (Ф.И.О.)

иккинч томондан, куйидагилар ҳакида тузилди:

### I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан бўён матинда II гурух «Истемолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш 8675 нарх бўйича 29 м<sup>3</sup>ни:

1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 7500 сўм (+ККС 15%), + 1125 сўм (махсус устама ҳак)ни;

1 м<sup>3</sup> оқова сув учун 8675 сўм (+ККС 15%), + 1125 сўм (махсус устама ҳак)ни ташкил қилимокда.

Шу тарпица шартноманинг умумий киймати 251575 сўмни ташкил қилиді. (сумма ёзув билан), Икки юз эллик бир минг беш юз етмиш беш сум

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 8675 сўм, бюджетдан ташкири маблағларидан 1125 сўм бюджетдан ташкири маблағларидан ташкири маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурух истемолчилари Коидаларда белгиланган тарзида “Таъминотчи” томонидан тақдим қилинган хисобварап-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истемолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаша ва «Истемолчи»дан оқова сувларни кабул килиб олиш мажбуриятини ўз зинмасига олади.

1.3. «Истемолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни хар ойнинг 10 санаасигача 100 фоизлик олдиндан ҳак тўлаш тартибасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зинмасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги таалабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июннадаги 194-сонли карори билан тасдиқланган “Истемолчиларга сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш хизматлари кўрсатишни Коидалари”га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланадиган маҳсус устама ҳаки 1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 8675 сўм, 1 м<sup>3</sup> оқова сув хизмати учун 1125 сўм билан бирга “Таъминотчи” томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова сув тизимиға уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зинмасига оладилар.

### II. Умумий қоидалар

2.1. «Истемолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасаруфидаги ичимлик ва оқова сув тармокларига, иншоот ва курилмаларга субистемолчиларнинг уланишига рухсат бериш хукуқига эга.

2.2. «Истемолчи» билан субистемолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истемолчи» ва унга уланган субистемолчи турли гурух ва тоифали истемолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истемолчи» ҳам, субистемолчи ҳам тузади ва сувни хисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий хисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-даҳарташларни сугориш учун фойдаланилишига кўйидаги истисно ҳолатларда йўл кўйилади: ирригация суви бўлмагандан, таъминотчи ташкилоти куввати мавжуд бўлгандан ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, факат тунги вактда (соат 00-00 дан соат 05-00 гача) йўл кўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматидан истемолчи хўжалик-истемол, маший эҳтиёж ва ёнгилларни ўчириши ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни хисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбаланди, ҳамда “Таъминотчи” томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини хисобга олиш приборини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш конунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истемолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аниқланади, обьектнинг максимал сув истемоли ва минимал сув истемолига текширилади ҳамда «Истемолчи» билан келишилади. Хисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истемол микдоридан кам микдорда сув истемол қилинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармогини кайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, хисоблаш приборининг кўрсаткичлари кабул қилинмайди ва хисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш приборларини ишга тушириш, хисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистемолчиларнинг уланиши «Истемолчи» томонидан факат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техника шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истемолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи хужжатларни ишга кўлган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истемолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, коидалар ва бошқа меъёрни хужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истемолчи» ва курилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳак микдори ўзгарган санаасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истемолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини саклаб колади ва «Истемолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Кўйидагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истемолчи»лар шу жумладан, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўтасидаги ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоклари, иншоотлари ҳамда курилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари хисобланади:

а) ичимлик сув истемоли учун — тармокка уланишини узиб кўйувчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истемолчи»нинг ички ичимлик суви тизимишини бир кисми хисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истемолчи» оқова тизимишини ички кисми хисобланувчи, магистрал оқова тармогига уланиш нуқтасидаги чиқарув кудуғи. Агар чиқарувчи оқова кудуғи (камераси) магистрал оқова тармогига жойлашган бўлса, ушбу кудуқ «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармогининг кудуғи. Агар чиқарувчи оқова кудуғи (камераси) магистрал оқова тармогига жойлашган бўлса, ушбу кудуқ «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармогининг кудуғи. Агар чиқарувчи оқова кудуғи (камераси) магистрал оқова тармогига жойлашган бўлса, ушбу кудуқ «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармогининг кудуғи.

2.12. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва

Кўриб ўчишга мөмкин оқова сувини Айттардебрўғодаш Шаевich. Хужжат рақами: JJ8413254888

### III. Тарафларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. «Истемолчи» нинг хукуқлари:

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан конунчилика ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талашиб килиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор килиш тўғрисида, унинг боскор килинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова сувини чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор килиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва

Кўриб ўчишга мөмкин оқова сувини Айттардебрўғодаш Шаевich. Хужжат рақами: JJ8413254888

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

### 3.2. «Истеъмолчи» нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Оқава тармоғига авария бўйлган тақдирда ергўла хоналарини сув босишидан саклайдиган барча ўчирувчи курилмаларнинг бут сакланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истеъмолчига қарашли санитария асбоблари, оқава тармоқлари, иншоот ва курилмаларда тамбанинг йўклиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқава тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва окованинг ташкилотида авария (тиқилиб қолиш, сув босиши) содир бўлиши сабабли ергўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни коплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан хисоб-китоб килиши учун фойдаланиладиган сувни хисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўйлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув курилмаларидағи пломбаларнинг бутлиги ва сақлаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иншоотлари ва курилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун конунчиликда белгиланган тартибида жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгинга қарши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чакириш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аник олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган ҳолда тақдим килиш ва тўловни амалга ошириш.

### 3.3. «Таъминотчи» нинг ҳукуклари:

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истеъмолчини 7 кун аввал ёзма равишда огохлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқова сувларни қабул килишини тўлиқ ва кисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истеъмолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўйлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилма ва иншоотларнинг техник ҳолати кониқарсиз бўйланганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчининг сувни хисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилмалари ва иншоотларни назорат қилиш ҳамда сувни хисобга олиш прибори кўрсаткичларни қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув берішни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишида киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, курилмаларида режали-огохлантириш тарзида таъмираш ҳамда хизмат кўрсатишилари ўтказилганди, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфида бўйлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳак тўланмаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфида бўйлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, курилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибида рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибида уланиши рад этилганда;

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартномага мажбуриятларига бажарилмаганда ва у оқизилаётган оқова сувларни миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя килмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти қуйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишга ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий оғатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларida;

г) Ёнгин чиққан жойларга сув узатишни кўлпайтиришга зарурат туғилганда.

### 3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувни чиқарib юбориш юзасидан шартномага мажбуриятларни бажарин;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишида назорат қилиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқава тармоқлари, иншоотлари ҳамда курилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишида назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишини ташкиллаштиришда истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни бехуда сарфининг олидини олиш, саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя килинаётганини мунтазам равишида назорат қилиш;

3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган мельёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан ортирилувчи 10,0 коеффициентнинг кўллаш;

3.4.7. Оқова сув тизимига оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартномага мажбуриятларига бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пеня хисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартномага шартларига риоя этишмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўклиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидағи ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий килинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқова сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўйлган режали тўхтатиш ва узилишлар ҳақида истеъмолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огохлантириш.

## **IV. Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофиқ мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарни, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақидаги зарар ўрнини коплаши шарт.

4.2. «Истеъмолчи» қуйидагилар учун жавобгартир:

а) Ичимлик сувни хисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланниш чизиги жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидағи кисмларининг худудида ва тасарруфида бўйлган пломбаланган хисоблаш курилмаларининг бутун сакланиши учун;

б) Сув тармоқларига ў бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларининг касдан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув хисоблаш приборларидағи кўрсаткичларни ташкаридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан курилган иншоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўйлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеъмолчи» худудида жойлашган оқава тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига йўл қўймаслик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибида далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасине белгалиш учун асос бўлиб хизмат килади;

д) Конунчиликда ўрнатилган бошқа ҳолларда.

4.3. «Таъминотчи» қуйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) Амлдаги мельёрий-хукукий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва конунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўйлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим килиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда коплаш;

г) Шартномага шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

## V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСНИ ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. «Истеммолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охирги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳак тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловларнинг шартномада белгилангандан кечикирилган ҳар бир куни учун истеммолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечикирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеммолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳак тўловларини амалга оширмасалар, истеммолчиларни ёзма равишда хабардор килган пайтдан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин қарзларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда истеммолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай ҳолларда ёнгиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеммолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариши тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда кайта улаша «Истеммолчи»дан базавий ҳисоблаш микдорининг 10 (ўн) баробари микдорида тўлов қайта улашини ғамалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиши орқали ундирилади;

5.5. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувнинг микдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув микдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеммол килинувчи ичимлик сув микдорига оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициенти кўлланилади. «Истеммолчи»нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг микдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеммолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлик бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (кудук, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табиий сув объексларидан маҳсус сув олиш ёки истеммол килиш учун рухсатноманинг ќўшичча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбаси (артезиан скважинаси, куудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимида оқова сувларни оқизни учун тўловлар ўрнатилган насосини ишлаб чиқарни куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеммолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

### VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеммолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қарзларни тўлаб, бу ҳақда “Таъминотчи” ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеммолчи» чиқиб кетгач сувни ҳисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик обьектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми кувурнинг ўтказиши қобилиятидан келиб чиқиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қўйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H \times t}$$

бунда:  $M$  – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

$F$  – суюклик оқиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

$g$  – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  – сувнинг метрлардаги босими;

$t$  – вақт- 24 соат, секундларда.

Кўйдаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида ҳисобланади:

6.2.1. «Истеммолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиқсан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгти тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги кўйилган ҳимоя қопламига (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнгиндан сақланиш гидрант ва кувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказиб берарни ҳисоблаш учун асос бўлиб ҳизмат килади. Бундай:

- тўлов муддати, энг сўнгти тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиб узиб ташланган кунга қадар ҳисобга олиниади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, agar «Таъминотчи» балансдаги тармоқларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олиниади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва қуришини бошлаш учун) лойиха муддатини ўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган холда ёки муддати ўтган холда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеммолчи» ичимлик ва оқова сувни тармоқларига уланиш санаси ҳақидаги хужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан хоким карори ва кадастр хужжатлари ҳамда шу кабилар асосида хужжат билан тасдиқланган уланиш санаси бўйича ҳисоб-китоб килишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга ҳизмат килувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеммолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичидан акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёзади ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимида рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизлаётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеммолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунидан қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари” ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истеммолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирувчи коэффицент микдор тартибда ҳисобланади.

6.8. Оқова сувни чиқариб юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича мебъёрлар билан белгиланган оқизишининг йўл кўйиладиган чекланган микдоридан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантирувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантирувчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизганлик учун компенсация тўловларини ҳисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги “Табиатни муҳофаза килишини таъминлашнинг иқтисодий механизmlарини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сон қарорига мувоғиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қоидалари ҳамда ифлослантирувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қарздорлик тўланмаган тақдирда «Истеммолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганилиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеммолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеммолчи»ни тўлов талабномаси ва хужжатида кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўргасида шартнома юзасидан келиб чиккан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.  
Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суд органларида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиккан тақдирда Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошкани, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичидан бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилик қиласа, томонлардан биро шартномани бекор қилиш хукуқига эга.

IX. Шартноманинг амал-қилиш муддати

9.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.

9.2. Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қиласи.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

“Навоий сув таъминоти” МЧЖ  
Кармана туман бўлими  
Манзил: Кармана тумани  
Тошкент кўчаси 7-й  
Тел: 79 532-41-82  
Банк: АГИБ Инвеста банк  
МФО: 00203, ИНН 300024824  
к/р: 22638000704548322361



Рахбар \_\_\_\_\_  
М.У. (Ф.И.О. имзо)  
«\_\_\_\_\_» 202 \_\_\_\_ й.

«ИСТЕЙМОЛЧИ»  
Кармана туман тиббиёт бирлашмаси \_\_\_\_\_  
Манзил \_\_\_\_\_ Тошкент кучаси 28А уй \_\_\_\_\_  
Тел: 532 44 86, факс 532 44 86 \_\_\_\_\_  
газ/х-р 23402000300100001010 \_\_\_\_\_  
Банк Марказий банк Тошкент шахар \_\_\_\_\_  
Банк коди 00014 СТИР 201122919 \_\_\_\_\_  
ХХТУТ 91511 \_\_\_\_\_  
Шахсий ракам 100022860122347072120054003 \_\_\_\_\_  
Шахсий х-р \_\_\_\_\_  
Банк Марказий банк \_\_\_\_\_  
Банк коди 00014 СТИР 200035250  
Кармана туман Газначилиги  
(газначилик бўлинмаси номи)

Рахбар Б.Я.Базаров  
М.У. (Ф.И.О. имзо)  
«\_\_\_\_\_» 202 \_\_\_\_ й.

